Куч — адолатда

2011 йил,
17 ноябрь,
пайшанба
№ 45 (351)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛИМИЗ РАМЗИ

Аввало шуни айтиш керакки, давлатимиз рамзлари Ватанимиз суверенитети, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари ва порлоқ келажаги тимсолларидир. Президентимиз таъкидлаганидек, миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади, уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир.

Айтиш жоизки, ҳар бир халқнинг муқаддас тимсоллари — миллий мустақиллиги, ўзига хос тараққиёт йўлига эгалигини билдирадиган белгилари бўлади. Ўзини ўша халққа мансуб санаган инсон борки, ана шу муқаддас тимсолларни ҳаётининг муҳим бир бўлаги деб билади ва уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлайди. Байроқ — ана шундай муқаддас тимсоллардан биридир.

Ватанимизда байроқ қадимқадимдан озодлик, ғурур-ифтихор, ор-номус тимсоли бўлиб келган. Боболаримиз ҳамиша Ватанимиз байроғини сарбаланд этиш йўлида курашганлар.

Соҳибқирон Амир Темур салтанатида ҳам жанг-жадалларда давлат туғини қўшиндаги энг ишончли баҳодир сипоҳийлар қўриқлаган, ғаним устидан ғалаба қозонишда шижоат ва мардлик кўрсатган амирлару сипоҳийларга махсус туғ ҳадя қилинган. Буларнинг барчаси — байроқ миллий давлатчилик тарихимизда ҳамиша муқаддас ва азиз саналганини билдиради.

Юртимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрь куни Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида **"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда белгиланганидек, **миллий байроғимиз давлат суверенитетининг рамзидир. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа шахслар байроғимизни ҳурмат қилишлари шарт.**

Мана, йигирма йилдан буён давлатимиз байроғи Ўзбекистон делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, юртимизнинг чет эллардаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлардаги ваколатхоналарида, халқаро анжуманларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида, юртимиздаги барча расмий идораларда ҳилпирамоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Konstitutsiyamiz qabul qilinganligining 19 yilligi oldidan

Юксак тафаккур маҳсули

Истиқлол туфайли аждодларимизнинг асрий орзу-ниятлари рўёбга чиқди. Мамлакатимиз ўзининг янги тараққиёт босқичида халқимизнинг урф-одатлари, сиёсий ва ҳуқуқий бой меросига, хорижий мамлакатларнинг илғор ҳуқуқий тажрибасига ва умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосланган миллий ҳуқуқ тизимига эга бўлди. Шубҳасиз, бу тизимни шакллантиришда, юртимизда барпо этилаётган инсонпарвар, адолатли ва демократик ҳуқуқий давлатнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда Асосий қонунимиз замин бўлди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида эришилган ютуқларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **аввало, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормоқдамиз — бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз — буюк ҳаёт қомусимиз турибди.**

Таъкидлаш жоизки, Конституциямиз қабул қилинганидан буён ўтган 19 йил миллий қонунчилигимиз тарихида ўзига хос тараққиёт даври бўлди. Хусусан, ўтган вақт мобайнида миллий қонунчилик тизими шакланди, ҳуқуқий ислоҳотлар, қонун ижодкорлиги кўникмаси ва тажрибаси вужудга келди.

Яна шуниси аҳамиятлики, халқимиз ўз Конституцияси орқали дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларга нақадар содиқ эканлигини намоён қилди. Зотан, ушбу қадриятларнинг диққат марказида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш давлатимиз олдидаги олий масъулият эканлиги асосий ғоя сифатида танлаб олинди.

Конституциямизнинг энг муҳим жиҳати шундаки, у давлатимизни ва биз қураётган фуқаролик жамиятини дунёга танитиш қудратига эга бўлган ҳужжатдир. Унда ҳаётимизнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизими демократик тамойилларга асосланиши, жамиятда умуминсоний қадриятлар улуғланиши, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлангани яққол намоён бўлади. Конституциямизнинг муқаддимасидаёқ ўзбек халқининг инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлиги, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқати, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролар тинчлиги ҳамда миллий тотувликни таъминлаш каби олижаноб мақсадлари аниқ баён қилинганлиги фикримизга далил бўла олади.

(Давоми иккинчи бетда)

Инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, ҳурмат қилиш асосига қурилади. Юридик аҳамиятга эга бўлган муносабатлар эса қонунлар билан тартибга солинади. Уларнинг аксарияти Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топган

Fuqarolik qonunchiligi

Қонунга таянмаган даъвогар

ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам овора қилди

Мазкур ҳужжатда мулк ҳуқуқига оид меъёрлар белгиланган бўлиб, бу ҳуқуқ нотариал тасдиқланган шартномаларда акс этади.

Биз мисол тариқасида келтирмоқчи бўлган бир ҳолатда ана шу қоидаларга тўлиқ риоя қилинмаган.

Гап шундаки, М.Аллаёровнинг даъво аризасида келтирилишича, у Косон тумани «Гувалак» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган савдо дўконини 2000 йил 14 ноябрда 43.200 сўмга сотиб олган. Мулкка бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган. Лекин шартномани расмийлаштириш тартибини яхши тушунмаганлиги боис хатога йўл қўйган.

Яъни низоли савдо дўконини вақтинча фойдаланиш учун яқин қариндоши Ф.Аллаёровга берган. Лекин ўртада бирон-бир битим ёки шартнома тузилмаган. Энди Ф.Аллаёров дўконни қайтаришдан бош тортаётгани сабабли, суддан «савдо дўконидан мажбурий тартибда чиқариш ва савдо дўконини олиб бериш»ни сўраган.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Фуқаролар манфаати муҳофазада

Шуни таъкидлаш жоизки, Конституциямиз мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, демократик давлат барпо этишнинг ҳуқуқий замини ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Бош қонунимиз ва шу асосда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида, аввало, шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимояси устуворлиги таъминланган.

Конституциямизнинг 44-моддасида ҳамда **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги, шунингдек, **«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»**ги қонун талабларига кўра, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларини тиклаш учун давлат идорасига, ташкилотига ёки мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, қабул қилинган қарордан норози бўлган тақдирда эса, судга мурожаат этишга ҳақли.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 17 июндаги **"Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Маълумки, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг бугунги босқичида суд органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида юридик-ҳуқуқий меъёрларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шаклларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланган.

Islohot va samara

Соддалаштирилган тартибда иш юритиш

судларда ишларни кўриш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда

Маълумки, соддалаштирилган тартибда иш юритиш мамлакатимиз фуқаролик процессида суд ишларини юритишнинг янги тури ҳисобланиб, ҳозирги кунда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим институтларидан биридир.

Мазкур институтнинг юзага келиши бир қатор объектив сабабларга асосланади. Хусусан, фуқаролик ишларининг умумэътироф этилган классификацияси шуни кўрсатадики, амалиётда фуқаролик ишлари унинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, шартли равишда мураккаб бўлган ва мураккаб бўлмаган ишларга ажратилади. Мураккаб бўлган ишлар судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларидан бир қатор процессуал ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилади ва бу ўз навбатида, фуқаролик ишларини судда муҳокама қилиш учун процессуал муддатларни ва суд харажатларини тақозо этади. Унча мураккаб бўлмаган ишларни судда кўришда эса, қийинчилик юзага келмайди ва ушбу тоифадаги ишларга жавобгар томонидан даъвогарнинг даъво талаблари тан олинган ишлар, шунингдек, унча кўп бўлмаган суммани ташкил этган даъво талабларига доир ишларни мисол қилиш мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Iftixor

Миллий ғурур тимсоли

Ўзбекистон мустақилликка эришганининг дастлабки йилиданоқ мамлакат суверенитетининг муҳим белгиси — Давлат байроғига эга бўлди. Асосий қонунимизнинг 5-моддасида мамлакатимиз ўз давлат рамзи — байроғига эга бўлиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Қадимдан юртимиз давлатчилигида байроқ аждодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлган. Улуғ аждодимиз Нажмиддин Кубро ёв қўлида қурбон бўлса-да, чангалида маҳкам тутган ҳурлик яловини ҳеч ким ололмаган. Шу боис юрт байроғини муқаддас билиб, кўзга суртадилар, унинг қаршисида тиз чўкадилар.

Давлатимиз байроғи — ўтмиш, бугун ва келажагимизнинг ёрқин тимсоли. Мусаффо осмон узра мағрур ҳилпираётган юрт байроғини кўрганда қалбларимиз беихтиёр тўлқинланади. Зеро, унда руҳиятимиз, ғурур ва ифтихоримиз, Ватанимиз ва халқимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимиз, келажакка ишончимиз мужассамдир.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда фуқароларнинг барча ҳуқуқлари, шу жумладан, меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳам конституциявий асосда муҳофазаланган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Асосий қонунимизнинг 37-моддасига биноан, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Mezon

Меҳнат ҳуқуқи кафолати

ходимнинг қайта ишга тикланишида асос бўлди

Шунингдек, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқига доир масалалар бошқа қонун ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган. Уларга кўра, фуқаролар нафақат меҳнат қилиш ҳуқуқига, айни пайтда меҳнат соҳасида ўзини бирон-бир тарзда камситилган, дейлик, ноҳақ ишдан четлатилган, вазифасидан пасайтирилган ёки интизомий чорага тортилган, деб ҳисоблаганда буларни бартараф қилиш, ўзига етказилган моддий-маънавий зарарни ундириш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Халқимизга хос энг гўзал анъана, қадриятлардан бири бу — бағрикенглик, кечиримлиликдир. Зеро, билиб-билмай хато қилган инсонни кечириш, унинг тўғри йўлга тушишига имкон яратади. Бу билан бир инсонни эгри йўлдан қайтариш, унинг оила-аъзолари манфаатларини муҳофазалашдек эзгуликка йўл очилади.

Insonparvarlik tamoyillari

Бағрикенглик — ҳаётбахш қадрият

Таъкидлаш жоизки, бундай қадриятлар истиқлол йилларида амалдаги қонунларимизга ҳам сингдирилгани, жумладан, ярашув институти жорий этилгани фуқароларимиз манфаатига хизмат қилмоқда.

Айтиш керакки, ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишларни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

(Давоми учинчи бетда)

Iftixor

Миллий ғурур тимсоли

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Тошкент давлат юридик институтида "Давлатимиз байроғи – ифтихоримиз тимсоли" мавзуида ташкил этилган маънавий-маърифий анжуманда шу ҳақда сўз борди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда турли вазирлик ва идоралар вакиллари, профессор-ўқитувчилар, адабиёт ва спорт намояндалари, талабалар ва журналистлар иштирок этди.

Анжуманда Тошкент давлат юридик институти ректори М.Рустамбоев ва бошқалар давлатимиз рамзлари кучли тарбия воситаси сифатида ёшларимизнинг миллий ғурурини юксалтиришга, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор самараси ўлароқ, халқаро миқёсда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, турли спорт мусобақаларида ғолибликка эришган йигит-қизларимиз шарафига юрт байроғи баланд кўтарилмоқда. Ана шундай лаҳзаларда қалбларимизда Ватан туйғуси янада кучлироқ жўш уради, халқимизнинг салоҳияти, келажагимизга ишонч янада мустаҳкамланади.

Анжуманда иштирок этган жаҳон чемпионати иштирокчиси, Осиёнинг уч карра энг яхши ҳаками Равшан Эрматов, кураш бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров, халқаро даражадаги альпинист Рустам Ражабов, халқаро даражадаги спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони "Бунёдкор" жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев, Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари томонидан бу борада фикр-мулоҳазалар билдирилиб, байроғимиз нуфузини янада ошириш, бу борада ёш авлоднинг ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини янада юксалтириш масаласи илгари сурилди.

Тадбирда "Давлатимиз байроғи — мамлакат мустақиллигининг рамзи сифатида", "Давлат байроғи — ифтихоримиз тимсоли", "Давлат байроғи — давлатимиз рамзларидан бири сифатида" мавзуларида маърузалар тингланди.

Халқимизнинг йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўли барча жабҳаларда тикланиш ва тараққиёт даври бўлди. Ҳаётимизга янги тушунчалар ва тамойиллар кириб келди ва давлат рамзларига оид қонунчилик базасини янада такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилди. 2010 йил 24 декабрь куни **"Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун билан **"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"**ги қонундаги қатор тушунчалар аниқлаштирилди, байроғимиз тасвири туширилган белгилардан фойдаланиш тартиби мустаҳкамланди.

Интерфаол усулда ўтказилган тадбирда қонунчиликдаги мазкур ўзгаришлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти ёшларга яна бир бор ҳаётий ва таъсирчан мисолларда тушунтирилди.

Сардор РАҲМОНОВ,
ТДЮИ талабаси

E`tirof

Истиқлол ва истиқболимиз рамзи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Спортчиларимиз ва миллий терма жамоаларимиз майдонга тушганда, ғалаба онларида эса, байроғимизни боши узра баланд кўтариб, давра айланганда қалбларимизда ўша таниш туйғулар жўш уради: **биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!**

Давлатимиз байроғидаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги халқимизнинг узоқ йиллик умуммиллий қарашлари тизимидан келиб чиққан ҳолда танланган ва ўзига хос чуқур фалсафий маъно-мазмунга эга.

Байроқдаги мовий ранг — тириклик манбаи бўлган оби ҳаёт ва мусаффо осмонимиз рамзи. Унда халқимизнинг миллий интеллекти, салоҳияти ва маънавий қудрати асрлар оша яшаб келаётгани ўз инъикосини топган.

Оқ ранг — муқаддас тинчлик тимсоли бўлиб, у халқимизга хос беғуборлик, соф виждон, покиза орзу-хаёллар ва ботиний гўзалликни англатади. Яшил ранг – яшариш ва янгиланиш рамзи бўлиб, элимизнинг навқирон ва баркамол авлодларини, табиатга уйғун ҳаётимиз ва бой табиий ресурсларимизни ифодалайди. Қизил чизиқлар — вужудларимизда жўш ураётган ҳаётий қудрат, истиқлол ва озодлик учун қон тўккан ота-боболаримизнинг орзу-армонлари ифодасидир.

Байроқдаги ҳилол — қўлга киритилган мустақиллигимизни, 12 юлдуз эса Ватанимизда яшаётган инсонлар ҳамиша комилликка интилиши ва саодатга элтувчи йўлни танлашини билдиради.

Давлат рамзларидан фойдаланиш қоидалари 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун билан янада такомиллаштирилди. Унга кўра, Ўзбекистоннинг Давлат байроғи ва герби давлат органлари ва ташкилотларнинг бинолари, мажлислар заллари, хизмат хоналари, жамоат жойлари, Ўзбекистон Республикасига хорижий давлатларнинг расмий делегациялари ташрифи муносабати билан, Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тузилмаларида кўтарилиши ва жойлаштирилиши белгиланган. Давлат байроғи ва Давлат герби элементларидан нодавлат ташкилотлар ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимчага кўра, Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий қадриятларимиз асосида яратилган, халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ёрқин тимсолларда ифодаланган давлатимиз байроғини ҳурмат қилсак, юрагимизга она сути, алласи ва улуғ аждодларимиз ўгити билан кирган бемисл миллий қудратни янада теранроқ англаймиз.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Qonun ko`magi

Фуқаролар манфаати муҳофазада



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу асосда Адлия вазирлиги ҳузурида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Ушбу қарорга мувофиқ, бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимларининг энг муҳим фаолият йўналиши сифатида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, шу жумладан, прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун ҳужжатлари талаблари ва қонунийликка риоя қилиниши устидан тизимли, самарали мониторинг ва назоратни ташкил этиш, ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги қонунбузилишларни ўз вақтида аниқлаш вазифалари белгиланган.

Айтиш жоизки, ушбу бош бошқарманинг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими томонидан Сайхунобод тумани "Мустақиллик" маҳалласида яшовчи фуқаро А.Алибековнинг ёзган аризаси ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, фуқаро А.Алибеков жорий йилнинг 19 май куни Гулистон деҳқон бозорига ўзига тегишли 15 қоп сабзини сотиш учун олиб келган ва шу кунинг ўзида 7 қоп сабзини сотган, қолган 8 қоп сабзини Нўъмон исмли шахсга топшириб кетган.

Лекин А.Алибеков 2011 йилнинг 20 май куни Гулистон деҳқон бозори келганида 8 қоп сабзини Нўъмон ўғирлаб кетгани маълум бўлган. Ушбу ҳолат юзасидан у шу куни Гулистон шаҳар ИИБга ариза ёзиб, профилактика инспекторига топширган.

Мазкур ариза бўйича Гулистон шаҳар ИИБ терговчиси У.Маманов томонидан 2011 йилнинг 22 май куни Нўъмон исмли шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Бироқ 2011 йилнинг 17 август куни Жиноят-процессул кодексининг 364-моддаси 1-қисми 1-банди билан мазкур жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган ва шу куннинг ўзида А.Алибековга 30/6621-сонли жавоб хати юборилган.

Ўрганиш давомида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиалининг 2011 йил 19 сентябрдаги хатига биноан Гулистон шаҳар ИИБнинг фуқаро А.Алибековга юборилган 30/6621-сонли хати 2011 йилнинг 14 сентябрь куни Гулистон шаҳар ишлаб чиқариш участкасида қабул қилинган ва 19 сентябрь куни фуқаро А.Алибековга топширилганлиги аниқланди.

Бундан кўриниб турибдики, Гулистон шаҳар ИИБ томонидан Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлимининг ушбу ариза натижаси юзасидан маълумот бериш ҳақидаги мурожаатидан сўнггина фуқаро А.Алибековга жавоб хати юборилган. Ушбу ҳолатда **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори талаблари бузилган.

Аниқланган қонунбузилиш юзасидан Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғи номига тақдимнома киритилди. Натижада Гулистон шаҳар ИИБ катта терговчиси У.Мамановга қаттиқ огоҳлантириш берилди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция ва қонунларимизда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари доимий эътиборда ва ҳимояда. Бу мезонларга зид иш тутиш албатта жавобгарликка сабаб бўлади.

Сардор КАРИМОВ,
Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими масъул ходими

Konstitutsiyamiz qabul qilinganligining 19 yilligi oldidan

Юксак тафаккур маҳсули

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, Бош қонунимизда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари энг устувор қоидалар сифатида берилганлиги ҳам давлатимиз умуминсоний қадриятларга нақадар содиқ эканлигидан далолатдир. Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига доир олтмишдан зиёд халқаро ҳужжатларга қўшилгани, БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган асосий халқаро шартномалар қатнашчиси эканлиги фикримизни яна бир карра тасдиқлайди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва бошқа халқаро ҳужжатларда баён қилинган ҳуқуқ меъёрлари миллий қонунчилигимизга, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва шу соҳага дахлдор икки юздан ортиқ миллий қонунларимиз орқали имплементация қилиб келинмоқда.

Бунга мисол тариқасида айтиш мумкинки, мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид қонунлар билан кейинги йилларда амалга оширилган тадбирлар фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик каби конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун хизмат қилмоқда.

Асосий қонундан ўрин олган жамоат бирлашмалари, хусусан, сиёсий партиялар фаолиятига доир конституциявий қоидалар, шунингдек, уларнинг сиёсий жараёнлар, давлат бошқарувидаги фаол иштироки жамиятимизда фикрларнинг хилма-хиллиги амалда таъминланганини тасдиқлайди.

Маълумки, давлатнинг фуқаролар олдидаги мажбурияти демократик давлатнинг ўзига хос белгиси ҳисобланади. Конституциявий нормаларда нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, балки уларни таъминлаш бўйича давлат идораларининг мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Конституциямизнинг 7-моддасида Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб, Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бошқарувнинг демократик шаклини қарор топтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчилардан бўлиб республикамизда президентлик бошқаруви жорий этилди ҳамда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари янгидан ташкил қилинди. Асосий қонунимизнинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими умумэътироф этилган, тажрибада синовдан ўтган демократик усулга, яъни ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади.

Тарихдан маълумки, узоқ ўтмишга эга бўлган давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиш принципи кўплаб мунозараларга сабаб бўлган. 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида мазкур принцип демократик давлатнинг энг асосий белгиси сифатида қонуний мустаҳкамланиб, илк бора «суд ҳокимияти» деган атама ишлатилган.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг асоий белгиларидан бири сифатида эътироф этилган давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиши тамойили минг йилликларга бориб тақалган ўзбек давлатчилиги тарихида истиқлол шарофати билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида илк бор ўз аксини топди.

Ҳокимият ваколатларининг тақсимланиш тизимида суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятига нисбатан ўрни ва салоҳиятини белгилашда Конституциямизнинг 44-моддасида кўрсатилган ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланганлиги тўғрисидаги қоида муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, одил судлов фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш, судларнинг мустақиллигини, масъулиятини, уларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, жамиятимизда том маънодаги суд назорати институтини қарор топтириш йўлида, тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида одил судлов тизимини демократлаштириш ҳамда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш судлар фаолиятининг асосий мазмунига айланиб бормоқда.

Айтиш керакки, биз интилаётган демократик жамиятнинг истиқболи, биринчи навбатда, демократик қадриятлар ҳар биримизнинг қалбимиз ва онгимиздан қай даражада чуқур ўрин олишига, бу қадриятларнинг нечоғлик асраб-авайланиши ва келажак авлодларга етказилишига бевосита боғлиқдир. Бу борада Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»**ги Фармойиши муҳим омил бўлди.

Ушбу Фармойишни ижроси юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маданияти ва тарбиясини оширишга, фуқароларнинг Конституция ва қонунларни ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, Конституциямиз истиқлолимиз шарофати, ўзбек халқининг юксак тафаккури маҳсулидир. Айни пайтда у мустақиллигимиз қалқони, келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир. Шу нуқтаи назардан, Конституциямизни ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини чуқур идрок этиш, унга қатъий риоя этиш ва тарғиб этиш ҳар биримизнинг жамият олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Холмамат ҲАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Фирибгарнинг

Бу дунёда ҳар бир киши фарзандининг ҳаётдан муносиб ўрин топишини истайди, шу йўлда саъй-ҳаракат кўрсатади. Айниқса, фарзандининг олий ўқув юртларида ўқиб билим олиши ота-онанинг энг катта орзуларидан бири саналади.

Маълумки, бугунги кунда олий ўқув юртида ўқиш тест синовлари орқали энг юқори балл тўплаганларга насиб этади. Тест синови эса, адолат тамойилларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Бинобарин, чуқур билим олган, тинимсиз изланган, иқтидорли ўғил-қизларгагина насиб этади талабалик бахти, аксинча, вақтини шамолга совурган, ўқиш ўрнига бекорчи ишлар билан машғул бўладиган, билим олиш заҳматларига сабр қилмайдиган ёшларнинг синовлардан ўтолмаслиги ҳам кундай равшан.

Шарофат Раҳимованинг (исм-фамилиялар ўзгартирилди) ўғли Салим ҳам етарли балл тўплолмагани учун ўқишга киролмади. Шундан Ш.Раҳимованинг унчалик кайфияти йўқ эди. Аммо у «ўғлим чуқур билим олмабди, яхши ўқиса, кейинги йил синовлардан муваффақиятли ўтиб кетади», деган ўйни хаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, қўшниси Маҳфират опа Карманада яшовчи Тамара деган аёл ўқишга кириш учун етарли балл тўплай олмаган абитуриентларга ёрдам бераётганини айтиб қолганида, қувониб кетди.

Шарофат опа бу гапнинг нечоғлик ростлигини аниқлаш, Тамаранинг нимага асосланиб ўқишга киролмаганларга кўмаклашиши ҳақида мулоҳаза қилиш ўрнига, дарров Маҳфират опадан унинг яшаш манзилини сўради. Қўшниси: «Тамара қиладиган ишнинг харажати ҳам бор экан», дегач, йиққан-терганини олиб, эртаси куниёқ Шофиркондан Навоийга йўл олди.

Тамара деганларини топиш унчалик қийин бўлмади, чунки кўпчилик уни танир экан.

— Опажон, — деди Тамара Шарофат опадан ўғлини олий маълумотли қилиш ниятини борлигини эшитгач, — ҳаммамиз ҳам бола-чақа деб яшаймиз. Тўғри эшитибсиз, мен болаларини ўқишга киритмоқчи бўлган кишиларнинг илтимосини ерда қолдиролмай, ёрдам бераман.

— Айланиб кетай, — «ҳожатбарор инсонга учрадим», деб боши осмонга етган Шарофат опа қувончини яширолмади. — Ўғлим ўқишга кирсин, энг яқин одамимиз бўлиб қоласиз.

— Опажон, шу вақтга қадар ҳеч кимдан уятли бўлиб қолганим йўқ — деди салмоқлаб бунга жавобан Тамара. — Аммо-лекин бу ишнинг озгина харажати ҳам бор, биласизми-йўқми... — у Шарофат опага синовчан назар ташлади.

Ўғли худди ҳозир талабалик шарафига муяссар бўлиб турибди-ю, агар у пулни қизғанса, шундан бебаҳра қоладигандай Шарофат опа шоша-пиша деди:

— Вой, харажати бўлади-да.

— Беш миллион сўм берасиз. Қарабсизки, декабрь, нари борса, январда ўғлингиз талабаликка қабул қилинади.

Гарчанд, Тамара анчагина катта маблағни айтаётган, бирданига шунча пулни бериш Шарофат опага ҳам ёқмаётган бўлса-да, «Ўғлимдан пулни аяйманми?!» — деган ўй билан Тамарага айтган пулни тутқазди...

* * *

Шавкат Нарзиев бу йилги имтиҳон жавобларини ҳаяжон билан кутди. Чунки ўғли Шерзод институтга ҳужжат топширган эди. Аммо Шерзод етарли балл тўплай олмади. Шундай кунларнинг бирида Шерзод кўчадан гап топиб келди. Унинг ўртоғи Шералининг айтишича, Тамара Хўжаева деган бир аёл етарли балл тўплай олмаганларга ёрдам бераётган эмиш.

Шавкат ака дарров Шералининг онаси Ҳанифа опага учрашди.

— Синглим Навоий шаҳрида яшайди. Тамара деган таниши болаларни ўқишга жойлаштиришга ёрдам бераётган экан.

Шавкат ака Шералини ёнига олиб, Навоий шаҳрига отланди. Тамара эса ваъдаларни бериб, «шарт»ларни тушунтирди. Хуллас, Ш.Нарзиев йиғиб-териб тўплаган беш миллион сўмини Тамаранинг қўлига тутқазиб, ортига қайтди...

* * *

Муҳриддиннинг ҳам ёши олий ўқув юртида ўқишга етиб қолди. Аммо институтга ҳужжат топширишга унинг юраги дов бермади, чунки фанлардан яхши тайёрланмаганини ўзи ҳам биларди.

Islohot va samara

Соддалаштирилган тартибда иш юритиш

судларда ишларни кўриш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Маълумки, Фуқаролик процессуал кодексининг 4-моддасида фуқаролик суд ишларини юритишнинг асосий вазифаси сифатида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш эътироф этилган. Ўз навбатида, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ўз вақтида ҳимоя қилиш суд ишларини юритишни соддалаштиришга бевосита боғлиқ. Соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг мақсади — энг аввало, судларнинг, шунингдек, процесс иштирокчиларининг вақтларини ва иш юритиш учун кетадиган маблағларни процессуал жиҳатдан тежашдан иборат.

Агар хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, судда ишларни кўриш ва ҳал этиш соддалаштирилган тартиб-таомилларни жорий этиш эвазига тезлашган. Буни Германия мисолида кўрадиган бўлсак, ушбу давлат қонунчилигида фуқаролик процессини соддалаштириш бўйича бир неча марта жиддий ислоҳотлар ўтказилган. Натижада "Соддалаштириш, тезлаштириш ва судьялар юкламалари бўйича қонунлар ва қонунлар тўплами" деб номланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Шунингдек, кўплаб давлатларда судларга келиб тушаётган фуқаролик ишларининг сони қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан кўрилган зарур чора ҳамда компьютер соҳасида эришилган ютуқлар, яъни янги техник воситаларини суд фаолиятида қўллаш орқали камайтиришга эришилган.

Фуқаролик суд ишларини соддалаштириш нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, англо-америка ва континентал ҳуқуқ тизими ва конструкцияси ўртасида бир қатор тафовут ва фарқли жиҳатлар мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Масалан, англо-америка ҳуқуқида соддалаштирилган процесс учун судга қадар ёки суддан ташқари музокаралар олиб бориш йўли билан иш тутиш характерли бўлса, континентал ҳуқуқда (энг аввало, немис ҳуқуқида) — **умумлаштирилган** (summary) ва **ҳужжатли** (Urkundenprozess) иш юритиш аҳамиятли ҳисобланади. Континентал ҳуқуқ тизими амал қиладиган давлатларда суд орқали ҳимояни соддалаштиришга имкон берадиган институтларни (қонунчилик, реестрлар, нотариат) ташкил этишга кўп маблағ ажратилади. Англо-америка ҳуқуқ тизимида эса, аксинча, бу борада суд фаолияти учун Европа континенти давлатларига қараганда, 3-7 баравар кўп маблағ ажратилади.

Ғарбий Европа давлатларида соддалаштирилган суд ишларини юритиш тартибида қарздорликни ундириш бўйича иш юритишнинг муҳим шартларидан бири сифатида ёзма далилларга алоҳида эътибор берилади. Чунки ёзма далиллар бошқа далиллар ичида нисбатан ишончлироқ ҳисобланади. Мазкур далилларнинг мавжудлиги бошқа далилларни йиғиш ва текширишни талаб этмайди, шунингдек, иш бўйича материаллар билан ишлаш жараёнларини тезлаштиради.

Францияда низоли ишларни судда кўришни соддалаштириш каби мақсадларни назарда тутувчи судларни ихтисослаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Хусусан, меҳнатга оид ишларни кўрувчи махсус судларда келишув бўлими ва судлов бўлими ташкил этилган. Судга келиб тушган даъво аризалари даставвал мажбурий тартибда келишув бўлимига берилади ва мазкур низо ёпиқ суд мажлисида келишув асосида ҳал қилинади. Келишув бўлимида иш кўришнинг муҳим процессуал хусусиятлари сифатида ушбу босқичда иккала томондан сайланган судьяларнинг иштирок этишини эътироф этиш мумкин. Ушбу босқичда ҳар икки судья тарафларни ишни келишув асосида тугатишга чақиради. Ўз навбатида, келишувга эришиш бир томоннинг даъводан воз кечиши ёки иккала томоннинг ҳам ўзаро тенг манфаатлари асосида келишув битимларини тузишларида ўз аксини топади. Фуқаролик ишлари юзасидан тузилган келишув битимини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган усулининг қўлланилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Жумладан, ушбу босқичда иш бўйича гувоҳлар жалб этилмайди ҳамда ишдаги мавжуд далиллар суд томонидан текширилмайди ва баҳоланмайди. Шунингдек, тарафларнинг келишув битими суд ҳал қилув қарорлари каби кучга эга бўлган баённома билан расмийлаштирилади. Иш юзасидан келишувга эришилмаган тақдирда иш судлов бўлимида мазмунан ҳал қилинади.

Суд ишларини соддалаштирилган тартиб-таомиллар асосида ҳал этиш борасида Англия давлати ҳам етарлича тажрибага эга. Статистик маълумотларга қараганда, Англияда атига 1 % ишлар суд муҳокамасининг тўлиқ шакли асосида кўрилади, қолган 99 % ишлар тарафлар ўртасида келишув битими тузиш орқали ёки умумлаштирилган иш юритиш орқали якунланар экан. Ушбу давлат қонунчилигига кўра, одил судловнинг Юқори судида иш бошланиши билан жавобгарга судда иштирок этиш учун буйруқ юборилади. Шундан сўнг жавобгар суд девонхона (канцелярия)сига даъвогар томонидан тақдим этилган даъво талабларига қарши барча процессуал воситалардан фойдаланган ҳолда ҳимояланишини тасдиқловчи меморандум жўнатиши шарт.

Умумлаштирилган (summary) ва ҳужжатли (Urkundenprozess) иш юритишнинг бошланиши учун даъвогар жавобгарда унинг ўз эътирозларини асослашга қаратилган эътиборга лойиқ далиллар мавжуд эмаслигини, яъни судда иш кўришнинг одатдаги тартиб-таомилларини жорий этишнинг мантиқсиз эканлигини исботловчи далилларни тақдим этиш талаб этилади.

1999 йилнинг январь ойида Англияда "Practice Direction — Protocols" (Амалда қўлланиладиган баённомалар) номли амалий қўлланманинг чоп этилиши муносабати билан иш юритиш жараёнида фуқаролик процессида низолашувчи тарафларнинг ўзаро муносабатларини эътиборга олиш қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топди. Унга кўра, қонунчиликка "судловга қадар баённома" ("preaction protocol") атамаси кириб келди ва мазкур баённома келгусида бўладиган суд процесси ҳақида тарафларни ҳабардор қилиш билан бирга уларнинг бир-бирлари ҳақида тўлиқ маълумотлар олишга қаратилган ҳаракатларини ҳам қайд этади.

Амалда қўлланиладиган баённомалар номли қўлланма амалга киритилган дастлабки вақтда унда фақат икки тоифадаги ишлар: тез муддатларда кўрилиши талаб этиладиган шахсга нисбатан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ҳамда врачларнинг совуққонлиги оқибатида етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича тарафларнинг вакиллари судловга қадар баённома тузиш ва имзолашга ҳақли бўлганлар.

Ҳозирда ушбу қўлланмада ҳар қандай ҳолатда ҳам низолашувчи тарафлар ишни судгача олиб бормасдан ўзаро музокара олиб бориш, далиллар юзасидан ўзаро фикрлашиши мумкинлиги ҳақида тавсиялар берилган.

Европада шундай давлатлар мавжудки, улар инглиз фуқаролик процессидаги судловга қадар баённома "preaction protocol"га доир тартиб-таомилларни тўлалигича ўзлаштириб олган. Масалан, Голландия фуқаролик процессуал қонунчилигида бир-бирига нисбатан қарамақарши бўлган тарафлар ўртасида далилларнинг таркиби ва бошқа фактлар бўйича ўзаро фикр алмашишни назарда тутувчи махсус босқич - судга қадар шакл жорий қилинган. 2004 йилда эса Европа Иттифоқининг Европа судларининг маслаҳат кенгаши ўз хулосасини қабул қилиб, унда инглиз фуқаролик процессидаги судловга қадар баённома "preaction protocol" тартиб-таомилини бирмунча ижобий деб баҳолаган.

Шу ўринда бир қарашда инглиз фуқаролик процессидаги судловга қадар баённома "preaction protocol" деб ном олган тартиб-таомил Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексининг 118-моддасида назар тутилган муаяйн тоифадаги низолар учун қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда даъво аризасини қайтаришга асос бўладиган ҳолатларга ўхшаб кетади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда фуқаролик суд ишларини соддалаштирилган тартибда юритишни назарда тутувчи фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари тизимини такомиллаштириш, қонунчиликдаги мавжуд нормаларнинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни кучайтириш мақсадида ривожланган давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб, ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори

Insonparvarlik tamoyillari

Бағрикенглик — ҳаётбахш қадрият

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда халқимизнинг бағрикенглик ва кечиримлилик каби кўп асрлик фазилатларига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган.

Келинг, статистик маълумотларга эътиборимизни қаратайлик. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида Бухоро вилоятининг жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари томонидан тарафларининг ярашганлиги туфайли 424 нафар шахсга нисбатан 404 та жиноят иши ҳаракатдан тугатилган. Энг муҳими, улар «судланган» деган тамғадан халос бўлишган.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Ражаб Ҳакимов зиммасидаги мажбуриятдан қасддан бўйин товлаб жиноий жавобгарликка тортилди. Аниқроқ айтганда, у фарзандларининг моддий таъминоти учун бериши лозим бўлган алиментни тўламаган.

Энг ёмони, бу унинг биринчи марта қонунни бузиши эмасди. У аввал ҳам Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилиб, унга нисбатан жарима жазоси тайинланган. Таассуфки, у бундан тўғри хулоса чиқармади.

Қонунбузар яна жавобгарликка тортилди. Шундан кейингина у қонундан қочиб қутилолмаслигини, зиммасидаги масъулиятни бажаришга мажбур эканлигини тушунди.

Р.Ҳакимов собиқ турмуш ўртоғига икки нафар фарзанди учун тўлаши лозим бўлган алимент пулларини етказиб берди.

— Айбимни тўла тан оламан. Қилмишимдан астойдил пушаймонман, — деди суд мажлисида Ражаб Ҳакимов. — Жабрланувчи Умида Жўраевага етказилган моддий зарани тўлиқ қопладим. У билан ихтиёрий ярашдим. Жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш учун ёзган аризамни қаноатлантирсангиз...

Жабрланувчи Умида Жўраева ҳам судланувчи билан ихтиёрий ярашганлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, ҳеч қандай даъвоси йўқлигини кўрсатиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жиноят ишлари бўйича Пешку тумани суди Жиноят кодексининг 122-моддаси 2-қисми билан айбланган Ражаб Ҳакимовга оид жиноят ишини Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Кўриниб турибдики, ярашув институти амалиётда кенг қўлланилмоқда, тергов ва судда иш юритиш жараёнлари соддалаштирилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ярашув институтининг афзалликлари беқиёс. У халқимизнинг табиатига, инсонпарварлик, бағрикенглик тамойилларига мосдир. Тарафлар ўртасидаги ярашув эзгулик, меҳр-оқибат, кечиримлилик йўлида хизмат қилади.

Хушвақт ҚУРБОНОВА,
жиноят ишлари бўйича Пешку тумани судининг раиси
Валижон ЮСУПОВ,
«Куч — адолатда» мухбири



Fuqarolik qonunchiligi

Қонунга таянмаган даъвогар

ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам овора қилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Судда жавобгар сифатида сўралган Ф.Аллаёров ушбу низоли савдо дўконини 1990 йилдан буён ишлатиб келишини, дўкон аввал собиқ «Наврўз» матлубот жамиятига тегишли бўлганини, кейинчалик, яъни 1994 йилда дўкон И.Икромовга хусусийлаштириб берилганлигини, ўзининг яқин қариндоши бўлган М.Аллаёровнинг дўконга алоқаси йўқлигини, ўртада ўзаро келишмовчилик келиб чиққанидан кейингина Ф.Аллаёров судга даъво аризаси киритганини маълум қилди.

Судда учинчи шахс сифатида сўралган И.Икромов даъвогарнинг даъво талабини тан олмасдан, савдо дўконини хусусийлаштириш учун «Наврўз» матлубот жамияти буйруғи чиқарилганини, низоли савдо дўкони учун ўзи пул тўлаганлигини, ҳужжатлар вилоят хусусийлаштириш бошқармасига топширилганлигини, лекин номаълум сабабларга кўра, ордер олинмаганини айтиб, даъвогарнинг даъвосини рад этишни сўради.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: аслида дўконнинг ҳақиқий эгаси ким?

Фуқаролик ишида тўпланган ҳужжатларга эътибор қаратадиган бўлсак, М.Аллаёров ҳақиқатан ҳам, мазкур дўконнинг эгаси бўлиб чиқади. Лекин Фуқаролик кодексининг 184-моддаси 1-қисмида «мол-мулк олиш-сотиш, айрибошлаш, ҳадя қилиш шартномалари ҳамда қонун билан таъқиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олиниши мумкин»лиги, 480-моддасида «кўчмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилиши, кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлиши» белгилаб қўйилган.



Лекин суд муҳокамаси давомида даъвогар М.Аллаёров низоли савдо дўконига нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳужжатни Фуқаролик кодексининг 480-моддасида белгиланган талаблар асосида расмийлаштирмагани, кўчмас мулкка нисбатан олди-сотди шартномаси тузилмаганлиги, даъвогар асосий ҳужжат сифатида судга тақдим қилган 2000 йил 14 ноябрдаги «олти-сотди далолатномаси» собиқ «Гувалак» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси П.Эронов ва М.Аллаёровлар ўртасида тузилганлиги, ушбу ишда сотувчининг вакили сифатида иштирок этган П.Эроновнинг ваколати мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Фуқаролик процессул кодексининг 57-моддасида «ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт»лиги белгиланган. Шунга асосан, низоли савдо дўконининг олди-сотди шартномаси тегишли тартибда тузилмаганлиги сабабли даъвогарнинг мулк ҳуқуқи вужудга келмаган.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, суд М.Аллаёровнинг Ф.Аллаёровга нисбатан «савдо дўконидан мажбурий тартибда чиқариш ва савдо дўконини олиб бериш ҳақида»ги даъво талабини рад этди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳуқуқий демократик давлатда қонунга таяниб, қонун талаблари асосида иш юритган фуқарогина адашмайди. Аксинча, ўзининг манфаатларини устун билиб, ҳатто қонунни ҳам писанд этмайдиган кишилар охир-оқибат ноҳақ эканликларига амин бўлади. Бунгача эса, улар ҳам ўзларини, ҳам ўзгаларни ташвишга қўяди.

Наврўз РАҲМОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судининг раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...



— Маълумки, ҳаётда ҳар бир киши ўзига тегишли бўлган мол-мулкини фарзандларига, қариндошлари ёки ўзлари хоҳлаган кишига мерос қилиб қолдириши мумкин. Айтинг-чи, мерос қолдириш ҳуқуқи қандай қоидалар асосида амалга оширилади?

Д.ОРТИҚОВА,
Тошкент вилояти

— Фуқаролик кодексининг 112-моддасига кўра, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкини ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқни вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф этилади.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечтасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланганидек, ворислик қонун ва васиятнома бўйича амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёки бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, амалга оширилади. Фуқаро вафот этиб, унинг ўлими кунида унга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат асосида тегишли бўлган мулкига нисбатан мерос очилади. Ворислик нотариал тартибда тасдиқланганлиги сабабли, нотариус биринчи навбатда вафот этган фуқаро ўз номидан ўзининг мулкига васиятнома қолдирган ёки қолдирмаганлигини текширади.

Васиятнома мавжуд бўлса, мерос қолдирувчининг ушбу васиятномада белгилаб берган хоҳиш-иродаси амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик васиятнома мавжуд бўлмаса ёхуд бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, шунингдек, Фуқаролик кодексида белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Саволга Учтепа тумани 7-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Одил МУСАЕВ жавоб берди.

ТУЗОҒИ

Тўсатдан таълим муассасаларида ўқув йили бошланиб кетган бир пайтда, аниқроғи, октябрь ойининг охирларида отаси Мажид ака бир гап топиб келди. Унинг айтишича, жўраси Ҳаким Тугаловнинг ўғли «супер контракт» деган усулда ўқишга кираётган эмиш. Мажид ака дарров Х.Тугаловга учради, у эса Тамарага рўпара қилди. Тамара эса фирибгарлик билан Муҳриддинни ўқишга киритишни ваъда бериб, отасидан беш миллион сўм олди. Ҳатто бундан ўн кунча бурун Х.Тугаловдан ҳам шу иш учун пул олганини ҳам яшириб ўтирмади.

* * *

Синчков ўқувчи баён этилаётган бу воқеаларни бирлаштириб турган умумий нуқтани, аниқроғи, улар замиридаги фирибгарликни аллақачон англаб етгандир. Дарҳақиқат, Тамара Хўжаева 2010 йилнинг сентябрь-декабрь ойлари оралиғида «ўқишга жойлаштираман», деган куракда турмайдиган ёлғон билан кўпларни «чув» туширди. Табиийки, у ҳаммани алдаётган, қолаверса, имкони йўқ нарса учун ваъда бераётган эди. Фирибгар аёлнинг ўзи ҳам буни яхши биларди. Шу боис айтилган муддат ўтавергач, фириб тўрига илинган кишиларни имкон қадар тинчлантириб туриш, қолаверса, яна пул йиғиш учун Тамара янги бир ёлғонни ўйлаб топди.

У февраль ойининг биринчи ярмида пул берган фуқароларнинг ҳар бирига ўзи шахсан учраб, барчасига деярли бир хилда шундай деди:

— Сиз хавотир олманг, ишингиз битди, ҳисоб. Фарзандингиз қишки таътилдан сўнг ўқишни бошлайди, улардан биринчи ярим йиллик учун имтиҳон олинмайди. Тўғрироғи, бунинг учун 600 минг сўм беришингиз керак.

Устаси фаранг фирибгар шу тариқа Ш.Раҳимова, Ш.Нарзиев, Х.Тугалов, М.Маҳмудов, И.Турдиев ва бошқалардан яна катта миқдорда пул йиғиб олди.

Одамларни бу тариқа алдаб «чув» тушираётган Т.Хўжаеванинг аслида кимлигидан газетхонларни бохабар этадиган бўлсак, у Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган, ҳозирда Кармана туманида яшайди. Турмуши бузилган, беш нафар фарзанди бор. Муқаддам тўрт марта судланган. Хавфли рецидивист ҳисобланадиган бу фирибгар ҳамон тўғри йўлга тушмаган эди. У 2004 йилнинг 7 сентябрида суд ҳукми билан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди, 227-моддаси 2-қисми «а» банди билан Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан 7 йилу бир ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва 1 миллион 88 минг сўм жарима жазосига тортилган. 2002 йилнинг 22 майида жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг ажримига асосан, жазонинг ўталмай қолган бир йилу ўн ой йигирма саккиз куни шартлига алмаштирилиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 73-моддаси қўлланилиб, қамоқдан озод қилинган.

Ўзига берилган бу имкониятнинг қадрига етмаган Т.Хўжаева тайинланган жазони ўтаб бўлмасдан туриб содда, ишонувчан одамларни алдаш, уларнинг мулкини фириб йўли билан қўлга киритиш жиноятини содир этди.

Суд судланувчи Т.Хўжаевани Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан айбдор деб топиб, тегишли тартибда жазо тайинлади. Жабрланувчиларга етказилган зарарни судланувчидан ундириш ҳақидаги кўрсатма ҳукмда алоҳида таъкидланди.

Гувоҳи бўлганингиздек, Тамара Хўжаева қилмишига яраша жазо олди. Ушбу воқеалар билан танишган кишида шундай саволлар туғилиши табиий: Одамлар нега фирибгарнинг ёлғонларига ишонди? Унинг айтаётганлари қонунга зидлигини яхши билишарди-ку! Хўш, шундай экан, ушбу жиноятларда уларнинг ҳам айби йўқми?

Мухтасар жавоб шуки, ноқонуний иш ҳеч қачон хайрли тугамайди. Юқорида баён этилган воқеаларни мисол келтирадиган бўлсак, аввал айтилганидек, олий ўқув юртларига талабаликка қабул қилиш тизимли синов асосида амалга оширилишини барча билади. Бинобарин, ўзгача «йўл» излайдиган кишиларнинг фириб тўрига илиниб қолишида ўзларининг ҳам айби бор-да ахир! Масаланинг янада муҳим бир жиҳати шундаки, ёшлар бизнинг келажагимиз, эзгу ишларимизнинг давомчиларидир. Шундай экан, уларда тўғрилик, ҳалоллик, қонунга риоя этиш сингари фазилатларни шакллантирмоғимиз, қолаверса, ҳар бир ишимиз билан уларга ўзимиз ҳам ибрат бўлмоғимиз зарур.

Шерзод МАМИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Jinoyat va jazo

Эгри йўлда учрашганлар

охир-оқибат қилмишларига яраша жазо олишди

Бу ҳаётда ҳар бир киши, аввало, ўзининг, қолаверса, оиласи, юртининг тинчлиги, хотиржамлигини ўйлайди. Аммо орамизда шундай кимсалар борки, улар ҳалоллик, оқибат, садоқат каби эзгу тушунчаларга беписанд қарайди. Худди шундай нусхалар 2010 йилнинг баҳор фаслида Тўрткўл туманида содир этган ўғрилик жиноятини эшитган ҳар қандай одам ҳам ҳайратдан ёқа ушлайди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Билмаган нарсани билмайман, деб жавоб беришдан уялманг.

* * *

Тўрт нарса инсонни улуғлайди: илм, одоб, омонатдорлик ва иффат.

* * *

Бир кишини алдаган, бошқани ҳам алдайди.

* * *

Тинглаш ва сукут сақлаш сени донолиққа етаклайди. Сукут — доноликнинг бошланиши.

* * *

Сирнинг очилишига уни ўзгаларга ишонган одамнинг ўзи айбдор.

* * *

Фикрламоқ бир ойнадир, сенга яхши ва ёмон амалларингни кўрсатади.

* * *

Бахт — яхши кайфият, фаровонлик, уйғунлик, мутаносиблик ва вазминликдир.

* * *

Дўст бўлсанг, дўстингнинг айбини тузат.

Mezon

Меҳнат ҳуқуқи кафолати

ходимнинг қайта ишга тикланишида асос бўлди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда фикримизга даъвогар С.М.нинг даъво аризасини мисол қилиб келтириш мумкин. С.М. даъво аризасида ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш ва ишга тиклашни сўраган. Судда аниқланишича, «Мамат Илҳом» хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатида тафтиш комиссияси томонидан ширкатнинг молиявий фаолияти текширишдан ўтказилиб, бу ҳақда далолатнома тузилган.

Тафтиш комиссияси ширкат раиси А.У., бош ҳисобчи С.М. ва ғазначи З.В.ларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари боис лавозимларига лойиқ ёки нолойиқлигини умумий йиғилишда кўриб чиқиш тўғрисида хулоса берган.

Шундан сўнг хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати бошқарувининг умумий йиғилиши ўтказилган ва унда фақат ширкат бош ҳисобчиси С.М.ни ишдан бўшатиш масаласи кўрилган. Бу ҳақда йиғилиш қарори қабул қилиниб, баённома ҳам ёзилган. Мазкур йиғилиш қарорига асосланган ширкат раиси А.У. 3-сонли буйруқ билан С.М.ни ишдан бўшатган.

Ҳолбуки, Меҳнат кодексининг 101-моддасида **«Башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмаслиги»**, 102-моддасида **«...Меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида камида уч кун олдин хабардор қилади ёки унга мутаносиб компенсация тўлаши лозимлиги»** кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги **«Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»**ги қарори 20-банди 2-хатбошисида **«Меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг 3 ёки 4-бандлари асосида бекор қилиш интизомий чора бўлиб, ходимни хабардор қилиш ва у билан меҳнат муносабатларининг бундай асосларда бекор қилинишига фақат интизомий чораларни қўллаш учун белгиланган муддатлардагина йўл қўйилади»**, дея қайд этилган.

Гарчи, тафтиш комиссияси ширкат раиси, бош ҳисобчи ва ғазначини ширкатда камомадга йўл қўйишдек қонунбузилишлар содир этганлиги сабабли лавозимларига лойиқ ёки нолойиқ эканликларини ширкат умумий йиғилишида кўриб чиқиш юзасидан хулоса берган бўлса-да, аммо даъвогар С.М.нинг даъвоси судда кўрилгунга қадар ширкатнинг юқори турувчи органлари айбдор шахсларга, шу жумладан, бош ҳисобчи С.М.га ҳеч бир чора кўрмаган.

Даъвогар айбли ҳаракатларни содир этганликда гумон қилиниб, ишдан бўшатилган. Лекин юқори турувчи орган томонидан ширкатдаги қонунбузишларнинг олдини олиш чоралари кўрилмаган. Аксинча, даъвогар С.М.нинг ўзи ширкатдаги қонунбузилишларнинг олдини олиш юзасидан вилоятнинг ваколатли идорасига ариза билан мурожаат қилган.

Олий суд Пленумининг юқорида номи зикр этилган қарори 21-банди 4-хатбошисида судларга ходим билан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра касаба уюшмаси ёки бошқа вакиллик органининг розилигисиз бекор қилинганлиги аниқланса, суд меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини ноқонуний деб топиши ва ходимнинг ишга тиклаш ҳақидаги талабини қаноатлантириши лозимлиги тушунтирилган. Бундан ташқари Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддасига биноан, **ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатилган ҳолатларини исботлаши шарт**.

Қонуннинг ушбу талабини тилга олишдан мақсад шуки, ушбу меҳнат низоси судда кўрилганда жавобгар меҳнат шартномасини асосли бекор қилгани, буйруғи меҳнат қонунчилиги талабларига тўғри келишини исботлаб беролмади.

Суд даъвогар С.М.нинг ишга тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантирди.

Хўш, юқоридагилардан қандай хулоса келиб чиқади? Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки меҳнат шартномаси ҳаётий муносабатларнинг ҳуқуқий ифодасидир. Иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда мувозанат бузилмаслиги зарур. Бу тарздаги қонунбузилишларнинг олдини олиш, меҳнат низоларининг келиб чиқишига йўл қўймасликнинг ягона йўли — раҳбар ва ходимларнинг меҳнат қонунчилигига оид ҳуқуқий билимлардан яхши хабардор бўлишидир. Шундай экан, бу борада уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ходимлар вакиллик органларининг масъулиятини янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўткир АСЛОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси

Инсон умрини имкон қадар узайтириш, иложи топилса, мангу ҳаётга эришиш орзуси башариятни ҳеч қачон тарк этмаган. Бироқ қизиғи шундаки, бу борадаги ҳар бир омадли тажриба, жиндек муваффақият ҳам ҳаммадан сир тутилган. Ҳолбуки, мангу ҳаётга интилиш жараёнида инсон умрини муайян даражада узайтирувчи воситаларни топа олган одамлар ҳам бўлган. Тарихий манбаларда бу ҳақда узуқ-юлуқ ва унчалик ишонарли бўлмаган маълумотлар учрайди.

Шунга қарамай, ақл бовар қилмас даражада узоқ яшаган одамларнинг номи тарихда сақланиб қолган. Бу бежиз эмас, албатта. Демак, узоқ умр кўришга қандайдир асос бўлган.

Sirli dunyo

Узоқ яшаш сири

ёхуд абадий ҳаёт эликсирини излаганлар қисмати

1278 йил вафот этган епископ Аллен де Лисл табобат билан шуғулланган, тарихий солномаларда унинг номи "жамики дардларга шифо бахш этувчи ҳаким" дея улуғланган. Айрим манбаларда қайд этилишича, руҳоний умрни узайтирувчи дорини кашф этган экан. У қариб қолганида ана шу малҳам ёрдамида қайтадан яшариб, яна 60 йил умр кўрган эмиш.

Яна бир бошқа тарихий шахс, қадимги Хитойда дао фалсафасига асос солган, 34-156 йилларда яшаб ўтган Чжан Даолин ҳам ҳаётини қарийб шу муддатга узайтира олган. У узоқ йиллар мобайнида қунт ва тиришқоқлик билан изланишлар олиб бориб, умрни узайтирадиган мўъжизавий дорини яратишга муваффақ бўлган. Хуллас, тарихий манбаларга ишонадиган бўлсак, файласуф 60 ёшида қайтадан яшариб, 122 йил умр кўрган экан.

Тўғриси, қадимги хитой манбаларида узоқ умр кўрган зоҳидлар ва авлиёлар ҳақидаги маълумотлар жуда кўп учрайди. "Чжуан-цзи" рисоласида қайд этилишича, дао таълимотининг ҳаётни узайтириш бўйича ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, бу қоидаларга амал қилган Пэн Цзу нақ 800 йил яшаган. Гуан Чэнцзи деган одам эса, ўзини ҳаяжонланиш, ғам чекиш ва ҳатто билим олишдан олиб қочгани туфайли нақ 1200 йил умр кўрган экан.

Шу ўринда Дмитрий Пашковнинг "Бошқалар учун яшашни билмаган одамгина бошқалардан узоқроқ яшайди", деган аччиқ киноясини ёдга тушади. Ахир, ҳеч нарсага қизиқмаган, биров учун жон куйдирмаган, ҳис-туйғу нималигини билмаган ва ҳатто энг бебаҳо неъмат — билим олишдан ҳам юз ўгирган ўша одам 1200 йил яшаб нима топди экан?!

Юнонистонлик тарихчи-файласуф Аристотель ва бошқа муаллифларнинг хабар беришича, Крит оролида яшаган коҳин ҳамда таниқли шоир Эпименид ўз умрини 300 йилга узайтиришга муваффақ бўлган эмиш.

Умрзоқлар орасида бу ёш чегара эмас, албатта. Португалиялик тарихчи ўз солномасида бир ҳинд билан учрашиб суҳбатлашгани ва у ўша вақтда 370 ёшда бўлгани тўғрисида ёзиб қолдирган. Ҳиндистоннинг португаллар эгаллаган ғарбий соҳили — Гоа вилоятида яшаган яна бир ҳинд, 1613 йили Туринда нашр этилган бир китобда келтирилишича, нақ 400 йил яшаган эмиш.

"Умрзоқ одамлар фақат ўтмишда яшаб ўтган экан-да!" — деб ўйлаётгандирсиз, ҳойнаҳой. Йўқ, бундай кишилар яқин-яқинларда ҳам ўзларининг узоқ яшаганига оид кутилмаган далиллар билан кўпчиликни танг қолдирган. Масалан, XX аср бошларидаги рус журналларидан бири ўша пайтда 200 ёшга кирган чол ҳақида хабар беради. Томскда яшовчи бу қарияда кўпгина ҳужжатлари қатори 1763 йилда олган паспорти ҳам сақланиб қолган экан. Қария Пётр I ва Екатеринани ўз кўзи билан кўргани ҳақида ҳикоя қилиб беради. Бу пайтга келиб умрзоқ чолнинг танаси бағоят заифлашиб кетган, аммо ақлий қобилиятлари сақланган, хотираси мустаҳкам эди.

XX асрда узоқ яшаган хитойлик Ли Цанюнга оид маълумотлар ҳам қизиқарлидир. У 1936 йили вафот этганида бева қолган хотини, расмий далолатномаларга кўра, Лининг 26-умр йўлдоши экан. Маълум бўлишича, Ли Цанюн 1690 йили туғилган, бундан кўринадики, у 246 йил яшаган.

Айтиш керакки, умрзоқларга оид ақл бовар қилмас яна бир хабар 186 йил умр кўрган (1770-1956) ҳиндистонлик Тапасвижига тааллуқлидир.

Унинг ҳикоя қилишича, Ҳимолай тоғларида бир гал кекса руҳонийни учратиб қолибди. Бу одам фақат мева ва сут билан кун кўрар, шунга қарамай бағоят серғайрат, бардам-тетик кўринар экан. Бироқ энг ажойиб жиҳати шундаки, замонавий ҳинд тилларининг биронтасини ҳам билмас, қадимги ҳинд тили — соф санскритча сўзлашар эди! Руҳоний бу ерга келганидан буён 500 йил ўтганини айтибди! У умрини шу қадар узайтира олишга гўёки бир сирли малҳам ёрдамида эришган экан.

Гарчанд 5 асрлик ҳаёт ҳайратомуз туюлса-да, аммо бу муддат ҳам абадият олдида ҳеч нарса эмас. Шу боис азал-азалдан барҳаётлик эликсири — мангу ҳаёт бағишловчи малҳамни топиш устидаги тажрибалар тўхтамайди. Ҳатто тарихда бундай изланишларга бутун умрини тиккан одамлар ҳам ўтган.

Шу ўринда тасаввуримизга эркинлик бериб, Германия шаҳарчаларидан бирига сайр қилсак, готик услубидаги уйлардан бирида кольба, реторта, тигел каби кимёвий асбоб-анжомларга кўмилиб ўтирган серғайрат бир йигитга дуч келамиз. Абадият эликсирини излаш билан банд бўлган бу одам — ёш Гёте эди!

Ҳа, буюк немис шоири ва мутаффакири Иоганн Вольфганг Гёте ҳаётининг бир неча йилини мангу ҳаёт воситасини ахтаришга бағишлаган. У мазкур соҳада ўзидан аввал ўтганларнинг хатоларини такрорлашни, улар сингари боши берк кўчага кириб қолишни истамасди. Шу сабабли ҳам ёш Гёте кимёгарларнинг тадқиқотларини ҳар томонлама пишиқ-пухта ўрганади, энг махфий, ҳатто унутилиб кетган асарларни ҳам излаб топиб, синчиклаб тадқиқ этади.

— Мен бу иш билан астойдил шуғулланаяпман, — деб ёзган эди у бир дўстига, — зотан, улуғ китоблардан жиндек бўлса ҳам бирон фойдали маълумот олишдек орзуим бор.

Улуғ шоир ана шу тариқа абадий ҳаёт эликсирини изловчи кимёгарлар, шу йўлда сарсон-саргардон бўлиб юрган беҳисоб инсонлар қаторига тушиб қолади. Барҳаётлик сири оҳанрабо янглиғ ҳаммани ўзига жалб этарди.

Қ.САЙИДМУРОДОВ тайёрлади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

...Сардор Салимов (исм-фамилиялар шартли) ўзининг шахсий автоуловида киракашлик қилиб, шунинг ортидан кун кечирарди. Шундай кунларнинг бирида у машинасига чиққан аёл билан яқиндан танишиб қолди, ҳатто аёлни айтган манзилига элтаркан, унинг қўл телефони рақамини олишга ҳам улгурди.

Орадан бир неча ой ўтади. Бу вақт ичида улар сирдошга айланишади. Шундай кунларнинг бирида шини сўраб-суриштирмай, у айтаётган режага рози бўлди-қўйди.

Барно эса эшитган соғлом фикрли кишини нафратлантирадиган қилмишга қўл уришни мақсад қилганди. Гап шундаки, унинг турмуш ўртоғи айни пайтда хорижда ишлаётган бўлиб, Барно қайнота-қайнонаси билан яшаётган, шундан фойдаланиб, Сардорга эри юборгаётган пулларнинг қаерда туришини кўрсатмоқчи бўлганди.

Хуллас, ҳамтовоқлар қулай фурсатни кута бошлашади. Атрофга зулмат чодирини ёйган тунларнинг

Jinoyat va jazo

Эгри йўлда учрашганлар

охир-оқибат қилмишларига яраша жазо олишди

Сардор Барнога кўнглидагиларни тўкиб солади. Яъни у кейинги пайтда қарзи кўпайиб кетганлиги-ю, машинасининг эски эканини, бирор киши пул бериб турса, ишлари зўр бўлиб кетишини айтиб зорланади. Буни қарангки, унга далда бериб турган Барно кутилмаган бир «таклиф»ни айтиб қолади. Яъни у бир «иш» борлигини, агар шунинг уддасидан чиқса, тез орада бойиб кетишини, ҳатто янги машинали бўлишини ҳам билдиради. Бу эса Сардор учун айни муддао эди. Аниқроғи, у Барно ваъда қилаётган пулнинг қаердан келиб бирида Сардорга қўнғироқ қилган Барно: «Бугун айни муддао, уйдагилар меҳмонга кетишди, тезда етиб келинг», деб хабар беради. Мўмай пул топиш илинжи кўзини кўр қилган Сардор бу гапни эшитиб, тезда Барнонинг келинлик уйи ёнида ҳозир бўлади. Теварак-атрофга ҳеч ким кўринмаса-да, тиқ этган товуш ҳам Сардорнинг юрагига қутқу соларди. У ҳадиксирай-ҳадиксирай Барно яшаётган ҳовлига яқинлашди. Қараса, иккаласи келишган шартли белги — эшик ярим очиқ турибди.

Сардор эшикдан шарпамисол сирғалиб ичкарига киради. Худди шуни кутиб турган Барно тезда уни ичкаридаги хонага бошлайдида, тўрдаги сандиқни кўрсатади: «Пул шунинг ичида!»

Хулласи калом, шу куни Сардор билан Барно 600 АҚШ доллари ва 5.150.000 сўмни ўмаришади.

Уйида содир бўлган ўғрилик тўғрисида ички ишлар идорасига ариза бериб, ўғри бегона эмас, ўзининг келини эканини билган С.Мадаминованинг таънали, аламли нигоҳларига бардош бериш Барно учун қийин бўлди. Ҳа, нафс йўриғига юрган бу кимсалар қилаётган қинғир ишлари учун жазо қаттиқ бўлишини ўша дамда хаёлларига келтиришганида эди, бугун эл-юрт олдида бошлари хам бўлиб ўтиришмасди.

Равшан ИГАМБЕРДИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ тергов бошқармаси терговчиси

Saboq

Умр мазмуни — ҳалол ва тўғри яшашда

ўзгаларга азият етказувчи оқибатда ўзи зарар кўрди

Ирода, сабр-бардош, етти ўлчаб, бир кесиш каби фазилатлар эл-юрт олдида инсоннинг юзини ёруғ, обрў-эътиборли қилади. Айни пайтда иродасизлик, калта ўйлаш, худбинлик сингари иллатлар ҳам борки, улар инсоннинг шаънига доғ бўлиб тушади.

Шу маънода спиртли ичимлик ичишга муккасидан кетган, нафсидан бошқа ҳамма нарсани унутадиган иродасиз кимсаларнинг охир-оқибат қилмишларига яраша жазо олишларига шубҳа йўқ. Таассуфки, баъзи ҳолларда уларнинг хурмача қиликлари оқибатида ҳеч айби йўқ кишилар ҳам жабр чекиб қолишади.

Тўхтамурод Саидов Пешку туманининг Қўрғон қишлоғида яшайди. Ичкилик туфайли оиласи бузилган. Икки нафар фарзанди ота дийдорига зор. Минг афсуски, ана шу айриликдан кейин ҳам унинг ақли кирмади, аксинча, маст-аласт юришлари давом этаверди.

2011 йилнинг 23 август куни у сархуш бўлиб олгач, ёдига собиқ турмуш ўртоғи Нилуфар Тиллаева тушди-да, нима қилаётганини ҳам идрок этолмай унинг уйига йўл олди. Аввалига собиқ хотининнинг оиласидагиларни ножўя сўзлар айтиб, безор қилди, сўнг қайнотасига тегишли енгил машинанинг ойнасини уриб синдирди. Ўзгаларга маънавий ва моддий зарар етказган Тўхтамурод Саидовга суд 7 суткалик қамоқ жазоси тайинлади.

Боғимусо қишлоғида яшовчи Нурбек Нормуродовнинг қилган хурмача қилиғи эса уникидан ошиб тушади. У ичкилик таъсирида эс-ҳушини йўқотиб, Зуҳра Маматованинг уйига кириб, уни қаттиқ қўрқитади. Буни қарангки, у хонадон соҳибасининг ёрдам сўраб қичқирганидан сўнг йиғилган қўни-қўшниларни ҳам эсломмайди. Шу тариқа меъёридан ортиқ ичилган ароқ ҳам бировларнинг тунги оромини бузди, ҳам ароқхўрни суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур қилди.



Ромитанлик Равшан Муҳаммедов шу йилнинг 24 август куни спиртли ичимликдан маст бўлиб олгач, собиқ турмуш ўртоғи Дилафруз Истатовани эслаб қолди. Маст ҳолда каловлана-каловлана Дилафруз ишлайдиган туман почта идорасига келиб, андишасизлик билан уни ҳақорат қилди. Натижада Равшан Муҳаммедов суд қарорига кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида жаримага тортилди.

Ҳа, спиртли ичимликнинг ранги оқ бўлса-да, қиладиган иши қорадир. Йўқса, Таваккал Султонов ўзининг танишига қўл кўтарармиди?! Гап шундаки, у овқатланиш учун "Челонғу" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги ошхонага кирганида тасодифан таниши Қўшоқ Адизовни учратиб қолди. Анчадан бери кўришмаган оғайнилар бундан хурсанд бўлиб кетиб, тўкин дастурхон устида суҳбат бошлашди. Афсуски, шишалар кетма-кет бўшайвергач, суҳбатнинг ҳам маъниси кета бошлади. Таваккал Султонов кайф устида ҳақорат қилавергани, гапга унамагани учун К.Каттаев ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Яқинда бўлиб ўтган суд мажлиси Таваккал Султоновни ҳуқуқбузарликда айбли топиб, унга тегишли миқдорда жарима тайинлади.

Ҳа, бу ҳаётда ўз шаъни, қадр-қимматини ўйлаган одам ножўя ҳаракатлардан, айниқса, спиртли ичимликни суиистеъмол қилишдан ўзини тия олади. Ўткинчи ҳузур-ҳаловатни ўйлаб яшайдиганлар эса эл олдида юзи шувут бўлади. Буни вақтида англаш, умр мазмуни аслида ҳалол яшаш, яқинлари, атрофдагиларига азият эмас, наф келтиришда эканлигини унутмаслик даркор.

Нурали ҚУРБОНОВ,
жиноят ишлар бўйича Ромитан тумани судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-1116. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5764.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰